







## «КАРПАЦ» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Кейинги вақтларда Ўзбекистонда Болгария, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Венгрия туризм кунлари муваффақиятли ўтказилди. Ана шу кунлар давомида қардош мамлакатлар туристик ташкилотлари вакиллари пойтахтимиздан ташқари Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида бўлиб саёҳат ишқибозлари билан мароқли учрашувлар қилдилар. Кунинча пойтахтдаги Санъат саройида эса «Руминия Социалистик Республикаси — туризм мамлакатидир, дўстлар мамлакатидир» мавзусида кўргазма очилди. Бу кўргазмага кўйилган чиройли фотосуратлар қардош мамлакатнинг диққатга сазовор жойлари, дам олиш манзилгоҳлари билан яқиндан таништирди.

Кўргазманинг очилиш маросими ва шу муносабат билан пойтахт журналистлари учун бўлган матбуот конференциясида «Карпац» туризм бюросининг бошлиғи ўртоқ Думитру Думитреску сўзга чиқди.

— Руминия туризм кунлари Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилмоқда, — деди у. — Биз саёҳат ишқибозларини мамлакатимизга таклиф этиб, улар учун жуда кенг программадаги талбирларни тасвир этиб оламиз. Руминияга келган туристлар дам олиш ва даволашни билан бирга қизқарли похоналар, тоғ экскурсияларидан иборат хилма хил маршрутларни ташлашлари, қизил спорт тури, сув спорти ёки чаваңдозлик билан вақтларини кўнгилли ўтказишлари мумкин.

«Карпац» билан Совет Иттифоқининг туристик ташкилоти «Интурист» ўртасида алоқалар тобора кучайиб бормоқда. Ана шу ташкилотларнинг ҳамкорлиги туфайли ўтган йилнинг ўзидек 130 мингдан ортиқ киши Руминияга саёҳат қилди.

## САНЪАТ ОЛАМИДА ФЕСТИВАЛГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ

ПОЙТАХТИ М И З. ДАГИ Кино уйда Бутуниттифоқ кино санъати илмий-тадқиқот институтини, СССР ва Ўзбекистон ССР Кинематография Давлат комитетлари, Ўзбекистон ССР Кинематографчилар союзи ва Ҳамза номиди Санъатшунослик институтини ҳамкорлигида навбатдаги анъанавий илмий-назарий конференция ўтказилди.

«Жаҳон кино санъатининг прогрессив тенденцияларини мустаҳкамлашда Осиё, Африка ва Латин Америка мамлакатлари халқаро Тошкент кинофестивалининг роли» мавзусидаги бу конференцияда Ўзбекистон ССР Кинематография Давлат комитетининг раиси А. О. Тўраев очди.

Конференцияда мамлакатимизнинг таниқли киносанъатчилари билан иштирок этдилар. Жумладан, Москвадан В. Муриан, Л. Будяк, Н. Суменов, К. Раёлов, Т. Ветрова, ашхободлик Б. Абдуллаев, олмаоталик В. Нугербек, фрунзелик К. Ашимов ва бошқалар Тошкент фестивалида қатнашувчи мамлакатлар кино санъатининг буғунги аҳволи, халқаро анъаналарнинг жаҳон кино санъати равишларидаги муҳим роли ҳақида гапирдилар ва уни янада қизқарли ўтказиш мақсадида ўзларининг қимматли истак ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Конференцияда Қ. Акбаров, Х. Абдулқосимова, С. Хўжаева каби республикамизнинг таниқли киносанъатчилари ҳам ўзларининг доклад ва ахборотлари билан иштирок этдилар.

## ТВ

БУГУН  
МТ-1, 9.00 — «Время», 9.40 — Мультфильмлар, 10.20 — «Юные друзья», «Меннинг республикам». Телевизион балиғи фильм, 2-кисм, 11.25 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида, 11.55

## ВИНО ЎРНИГА ШАРБАТ

ТОШКЕНТ районидagi вино заводи коллективи спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришни тўла тўхтатиб, турли-туман шифобахш шарбатлар тайёрлашни кўпайтириш юзасидан кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шу мақсадда корхонанинг асосий цехлари реконструкция қилинапти. Улардаги технология линиялар асосан узум шарбати ишлаб чиқаришга мослаштирилмоқда.

Ишчи-хизматчилар ўн биринчи беш йилликнинг якунида 1 миллион 600 минг литр шундай махсулотни меҳнаткашлар дастурхонига тортиқ қилиш учун курашмоқда. Ҳозиргача 1 миллион литрдан ортиқ шарбат тайёрланди. Бундай махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даври-

дагига нисбатан тўрт баравар ошди.

Янги технологияни ўзлаштириш ва шарбат ишлаб чиқаришни кўпайтиришга корхонанинг кўпгина ишчилари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Маъмурият Неъматов, Саид акбар Абдуллаев, Рихисвой Хусановлар каби илгорлар ишлаб чиқариш жараёнларини моҳирона бошқариб, нормани ҳар сменада уч баравар ортиги билан бажармоқдалар.

Корхонада келгуси йилда шарбат ишлаб чиқариш янада кўпаяди. Бунинг учун цехларни реконструкция қилиш давом эттирилади, шарбатни ишлашларга қуювчи махсус мосламалар ўрнатилди.

Т. САФАРОВ.



Пойтахт областимизда кўп-лаб озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб турипти. Суратларда: (юқорида) Янгийўлдаги Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси консерва заводининг технологи М. Ғозиева ва ишчи М. Иzzатуллаева янги тайёрланган олма компотининг сифатини текширмоқдалар. Тошкент сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори Р. Ахметзянова (паспада) кефирини идишга солиш жараёнини кўздан кечирмоқда.

В. Сироткин фотолари.

## ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

# Комбинат хоккейчилари

Олмалик кон-металлургия комбинати спорт клубида чим устида хоккей бўйича эриқлар командаси ташкил этилаётганлиги тўғрисидаги хабар кўпчилигини қувонтирди. Ўйлаб ёшлар дастлабки кунлардан оқиб унга аъзо бўлиб кириш истагини билдиришди. Тренер Виктор Данилович улар билан суҳбатлашар экан, келгусида команда шарафини мустаҳкам ҳимоя қила олиш қобилиятига эга бўлган ёшларни саралаш қўпроқ эътибор берди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки команда номинатига ташкил этилиб қолмай, келгусида ўз

мухлисларини қизқарли ўйин ва натижалар билан мамнун этиши лозим эди.

Талабчан тренер ишга қизгин киришиб кетди. Қатъий график асосида команда ўйинчилари билан машгулотлар ўтказди. Ишдан сўнг уларни стадионга жалб эта олди. Бир қанча муаммоларни ҳал этди. Шу туфайли команда қатнашчи йилнинг 1983 йилдан буён областимиз спорт шарафини республика мусобақаларида муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Бу орада бир неча бор Ўзбекистон кубогини совриндорлари ҳам бўлишди.

— Бу йил республика чемпионатида кучли ўқинка кириш иштиёқимиз ҳам йўқ эмас, — деди биз билан суҳбатда В. Безоветних. — Бунга етарлига тайёргарлик қилдик. Александр Кривенцов, Марс Тухтаров, Владимир Завялов сингари ўйинчиларимизнинг маҳоратлари анча ошди. Улар ўтган йилларнинг ўзидек команданинг энг кучли ўйинчилари эканлигини намойиш этишганди. Р. Насибулдин, А. Пах, С. Хуторенко, К. Кравинлар каби ёшлар командамизга яқинда қўшилган бўлса-да, қизқарли комбинацияли ўйинлари билан ўз

мухлисларини мамнун этишмоқда.

Команданинг барча ўйинчилари ишчилар. Улар комбинатнинг турли цех ва участкаларида меҳнат қилишади. Спорт комплекси улар ихтиёрига бериб қўйилган. Ишдан бўш вақтларида ўзларининг сеvimли машғулотлари билан шуғулланишлар. Аммо бу ердаги моддий база талаб даражасида эмас. Айниқса тренировка пайтида спорт майдончаларини чанг тутиб кетди. Яхши жиҳозланмаган. Корхона маъмурияти республика мусобақаларида иштирок этишга командага имконият яратиб

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

## СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

● ШАХМАТ. Жаҳон чемпиони унвоини учун Анатолий Карпов ва Гарри Каспаров ўртасида учрашувнинг 18-партияси қолдирилди. Тўғридан-тўғри матч давомида иккинчи марта тайм-аут олди. 18-партия бугун йўналишни керак. Ҳозирча Гарри Каспаров 9:8 ҳисобида олдинда бормоқда.

● ФУТБОЛ. Мамлакат футбол чемпионатининг биринчи лига «В» группасида навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси группадан пешқадмлик қилаётган Запорозьеннинг «Металлург» футболчилари билан куч синашди. Учрашув 1:0 ҳисобида запарозьелликлар фойдасига ҳал бўлди.

● Ўзбекистон 42-чемпионати қатнашчилари ҳам ўзаро куч синашдилар. Турнирда пешқадмлик қилаётган Ангреннинг «Шахтёр» командаси Самарқанднинг «Экспресс» футболчилари билан бўлган ўйинда очколарни тенг бўлиб олди — 0:0. Республика футбол мактабининг командаси «Винокор» (Қирав) коллективига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Тошкентнинг «Трактор» ва Жиззахнинг «Ешлик» коллективлари ўртасидаги учрашув 5:3 ҳисобида тракторчилар фойдасига ҳал бўлди.

● Иккинчи лига командаларининг еттинчи зонасида сўнгги тур учрашувлари ўтказилди. Муддатидан илгари зона тоғлиб бўлган «Соҳибкор» командаси бу турда «Сурхон» футболчиларидан 1:0 ҳисобида устун келди.

«Соҳибкор» футболчилари яқиндаги биринчи лигага чиқиш ҳуқуқини берадиган ўттиш ўйинларида иштирок этишга ҳозирлик қўрмоқдалар. Чемпионат илгари ҳамда қўра ташлаш натижаларига кўра «Соҳибкор» биринчи лигада 22-ўринни олган, Украинанинг олтинчи зонасида ҳамда РСФСРнинг учинчи зонасида тоғлиб чиққан коллективлар билан ўзаро куч синашди.

Ўттиш ўйинларининг биринчи 2 ноябрь кунига белгиланган.

● БАСКЕТБОЛ. Тбилисида I лига аёллар командалари ўртасидаги СССР чемпионатининг биринчи тур мусобақалари ўтказилди. Тошкент физкультура институтини командаси бу турда фақатгина Уфанин «Спартак» командаси устидан 87:81 ҳисобида галабига эришди. Қолган учрашувларда эса вакилларимиз ютқазиб қўйдилар.

Редактор  
Н. НАСИМОВ.

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## УЙДА ГУГУРТ БЎЛМАСА

Агарда сиз газни ёндирувчи пьезокерамик алангалатич сотиб олсангиз гугурт ишлатишга ҳожат қолмайди.

Бу асбоб ишлатишда содда ва қулай бўлиб, уни озуқалантириш учун электр тармоғи ёки батареялар шарт эмас.




«ТАШХОЗТОРГ»нинг магазинларида баҳоси 4 сўм 90 тийин ва 6 сўм турадиган пьезокерамик алангалатичлар сотилмоқда.

«УЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

## ИШОНЧЛИ ИСИТИШ МАНБАИ

Иситиш системасига уланган бежирим ва содда қозон — плита Сизнинг 200 квадрат метргача майдондан иборат бўлган хонадонингизни ёки қорбоғдаги хоналарингизни иситади.

Сиз бу плитанинг иккита конфоркасида овқатларини ҳам пиширишингиз мумкин. Қозон-плита қўмир, торф, ўтин билан иситилади.



## ТЕХНИКАВИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ:

Иситиш аппарати АОТВ-29, ОСТ-51-02-20-79 деб аталади.

КПД — 65 процент.  
Ҳажми — 79х460х850 мм.  
Материали — пўлат тунука.  
Баҳоси — 170 сўм.

Қозон-плита улгуржи базалар томонидан чакана савдо магазинлари орқали сотилади. Товари етказиб берувчи — «РОСКУЛЬТОРГ»нинг Омск базаси.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.  
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ


## Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/Х да Бўрон, 23/Х да Балет триптихи.

МУҚИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/Х да Гулсара.

ТОШКЕНТ  
/ "Ташкентская правда" /  
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА  
КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ  
УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО  
СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:  
700047, ТОШКЕНТ  
ЛЕНИНГРАД  
КЎЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари — 335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 337010, 325749; қишлоқ ҳўжалиғи—325647; пропаганда — 325553; совет қурилиши—325645; маданият — 325767; ахборот ва спорт — 337010, 325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар ҳамда ҳарбий ватанпарварлик — 325556; редакция бўйича тунги навбатчи — 334808, 325353.

